



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziyo ko'chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «5» август

VI-33-62-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Вилоятда болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни микронутриент кукуни ва “А” витамини билан бойитиш ҳамда уларни гельминтоз профилактикаси бўйича маҳсус препаратлар билан таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 6-23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида микронутриент кукуни билан, 6 ойликдан 5 ёшгacha бўлган болаларни “А” витамини билан, 2-10 ёшли болаларни гельминтоз профилактикаси бўйича маҳсус препаратлар билан таъминлашни амалга ошириш тўғрисида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари С.Саматовнинг ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида эшитилганлигини ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгashi қарор қиласди:

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг 2021 йил 15 июлдаги ЗООМ дастури орқали ўтказилган йиғилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К.Абдивоҳидов вилоятдаги 2-10 ёшгacha бўлган болалар соғлиғини яхшилаш ҳамда ичак гельминтози билан касалланишнинг олдини олиш мақсадида, “Альбендазол – 400 мг”, “Мебендазол – 500 мг” дори воситаларини аҳолига етказиш орқали оммавий дегельминтизациянинг I босқичи ўтказилганлигини инобатга олиб, айни вақтда II босқичининг сифатли ўтказилиши олдидан жалб қилинган тегишли муассасалар ҳамда масъул ходимлар ўртасида гельминтларга қарши дори воситаларини тарқатиш юзасидан белгиланган тартибда тушунтириш ва маҳорат дарслари ўтказилиши ҳамда ушбу топшириқ юзасидан шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари томонидан назоратга олиниши таъминлансин.

3. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи (К.Абдивоҳидов)га жорий йилнинг III чорагида 6-23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланадиган микронутриент кукуни озуқалари билан бепул таъминлаш вазифаси юклатилсин ҳамда

қўшимча таклифларни соғлиқни сақлаш вазирлигига мунтазам киритиб борсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринbosари И.Сапаров, Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринbosари З.Хидирова, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К.Абдивоҳидов билан биргаликда жорий йилнинг III чорагида туғиши ёшидаги, ҳомиладор аёллар ва 3-15 ёшдаги болаларни йод, темир ҳамда фолат кислотаси билан бепул тарқатиш уларга кенг тарзда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2021 йилнинг қолган даврида 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар учун “А” витаминига эҳтиёжи юқори бўлган Жиззах ва Андижон вилоятлари танлаб олинганлиги инобатга олиниб, Сурхондарё вилоятида ушбу турдаги витамин ажратилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин ва ушбу масала бўйича вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К.Абдивоҳидов уч кун муддатда соғлиқни сақлаш вазирлигига ёзма таклифлар киритсин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринbosари И.Сапаров, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К.Абдивоҳидов, шаҳар ва туманлар ҳокимликларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5130-сонли Қарорига асосан, вилоятимизда онкологик касалликларнинг олдини олиш ва уларни эрта аниқлаш мақсадида шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмаларига қарашли марказий кўп тармоқли поликлиникалари таркибида “Онко-назорат (Canser-nazorat)” хоналарини ташкил этиш ва қонунда белгиланган тартибда жиҳозлаш вазифалари юклатилсин.

7. Юқорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳар чорак якунида тегишли мансабдор шахслар томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритиб борилсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Холлиева) зиммасига юклансин.

9. Мазкур қарор қабул килинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаши раиси



Bobolov T.A.